

ТОШКЕНТ ХАЖЖАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЙЛ ЧИКИШИ
№ 130 (1650)
2
ИЮЛЬ
ШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИН.

Ўзбекистон ССРда ягона иқтисодий маъмурий район ташкил қилиш тўғрисида

1. Ўзбекистон ССРда Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Қорақалпоғистон иқтисодий маъмурий районлари ўрнига бир иқтисодий маъмурий район ташкил қилинсин.
2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қуйидагилар топширилсин:
а) иқтисодий маъмурий районда sanoatni бошқариш учун Халқ хўжалиги кенгашининг Раиси, Раис ўринбосарлари ва Кенгаш аъзолари-

дан иборат составда ягона Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши тuzилисин;
б) Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Қорақалпоғистон халқ хўжалиги кенгашлари тугатилсин;
в) тугатилган халқ хўжалиги кенгашлари ихтиёрида бўлган корхона ва ташкилотлари, машина-ускуналар, хом ашё ва бошқа мулкларни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кен-

гаши қарамонига тошириш тартиби ва муддатлари белгилансин.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари
И. БАБНОВ.
1960 йил 1 июль.
Тошкент шаҳри.

ЭКОНОМИКАМИЗНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АСОСИ

Капитал қурилиши — экономикаимизни юксалтиришнинг, бинобарин Ватанимиз куч-қудратини оширишнинг, иқтисодий бойликларимизни кўпайтиришнинг асосидир. Шу сабабли Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қурилиш ишлари ҳажмини тобора кенгайтира бориш, бинокорларимизни янги техника билан кўпроқ таъминлаш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бунинг шундан ҳам кўра бўладики, етти йиллик мобайлида ана шу мақсадлар учун бутун Совет ҳокимияти йиллари давомида сарфланган маблағга қарийб тенг келадиган миқдорда маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Иқтисодимизга ўз ишлари тугатган Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг III пленуми республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масаласи билан бир қаторда капитал қурилишнинг бориши ҳақидаги масалани ҳам махсус муҳокама қилди. Бу ҳақда пленумда Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлиги, «Ўзгавелсестрой» ва Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги вазирлигининг ҳисоботлари эшитилди.

Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг пленумида муҳокама қилинган масалалар республикамиз экономикаимиз бундан кейин ҳам зўр бериб ривожлантиришда гоҳ катта аҳамиятга эгадир. Пленум шунинг таъкидлаб ўтдики, бинокорларимиз бутун меҳнаткашлар сингари коммунизм қурилишини кенг аяқ олдирсин ва ССРнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш программасини тасдиқлаган КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун зўр гайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Республикамизда, шу жумладан областимизда ҳам кейинги пайтларда бинокорлик ишларида индустриал методларни қўланиш, прогрессив қурилиш материаллари — йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, оғир ва кўп меҳнат талаб этилган ишларни механизациялаш соҳасида янги техника қўланилиши, янги-янги ва маданий-маиший объектларни қуриб бېتىлаш ҳақида фойдаланишга тошириш соҳасида яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. «Ўзбекгаздрознергострой», 93-иқтисодлаштирилган трест, «Алмаликсинестрой» каби қурилиш ташкилотлари шулар жумласидандир.

«Алмаликсинестрой» трестининг коллективи социалистик мусобақадда кўндан бери олдинги қаторларда бормоқда. Трест бинокорлари иш ҳажмининг йил сайини ошаётганлига қарамай, давлат планларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича муттасил ортгани билан бажариб келмоқдалар. Бунинг сабаби шундаки, трест бошқармаларида ишни рационал таъкид этиш, янгиликларни кенг жорий қилиш, янги техника ва янги технологияни қўланиш, завод ҳамда полигонларда тайёрланган конструкциялардан имкони борича кўпроқ фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Эндиликда трест ҳар миллион сўмлик қурилиш ишларида йиғма темир-бетон қўлланиш жиҳатидан республикада энг олдинги ўрнига чиқиб олди.

Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг пленуми капитал қурилиш соҳасидаги қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда халқ хўжалигининг бу муҳим соҳасида ҳали жиддий камчиликлар борлигини ҳам кўрсатиб ўтди. Энг катта камчилик шуки, давлат планлари асосан илгўр қурилиш ташкилотлари ҳисобига бажарилмақда. Чунотчи, республика Қурилиш вазирлигига қарашли 21 та умумий қурилиш ва ихтисослаштирилган трестдан 10 таси пудрат ишлари планини муттасил бажармай келаётди. Иш суъятини тезлаштиришга ёрдам берадиган резервларни аниқлаш, илгўр бинокорлик ташкилотларининг таъриқларини жорий қилиш, кадрларнинг қўнимсизлигини тугатиш, объектларни зарур бинокорлик материаллари билан ўз вақтида таъминлаш каби масалалар билан жиддий равишда шуғулланилмаётганлиги сабабли ана шундай аҳвол юз бермоқда.

Қурилиш — мураккаб ишлаб чиқаришдир. Иш тўғри планлаштирилган ҳамда материал-техника билан улуғвиз таъминлаб турилган тақдирдагина бинокорлик ишларини муваффақиятли равишда ривожлантириш мумкин. Бошланғич партия, касбаб саво ва комсомол ташкилотлари қурилиш технологиясини издан чиқарадиган зарарли практикага — маб-лағларни жуда кўп объектларга солиб юбориш практикасига қарши қатъий кураш олиб боришлар лозим. Ҳар бир объектни лойиҳа-смета ҳужжатлари билан, технология ускуналари ва материаллар билан етарли миқдорда таъминлаб туришга ҳамма вақт жиддий эътибор бериш лозим. Шунинг унутмасдик керакки, қурилиш индустриясининг кучли базасини яратмай туриб, бинокорлик ишлари бўйича белгиланган гоҳ катта программани муваффақият билан бажариб бўлмайди.

Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети пленумининг «Республикада қурилиш ташкилотларининг 1960 йилда ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини мўддатидан олдин бажариш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига қурилиш ишларида юз бераётган камчиликларни тугатишнинг аниқ йўллари белгиланган. Пленум қарорини ҳамма ерда пухта ва атрофлича ўрганишни ташкил этиш, бинокорлар ва қурилиш материаллари sanoati корхоналарининг коллективларини янги вазифаларни шараф билан бажаришга сафарбар этиш — маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Ҳеч шубҳа йўқки, етти йиллик топшириқларини мўддатидан илгўри бажариш учун бошланган умумхалқ мусобақасида актив иштирок этаётган бинокорларимиз Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети III пленумининг қарорини шараф билан бажариш йўлида ўзларининг куч ва гайратларини аямаядилар.

Н. С. ХРУШЧЕВ ва Л. И. Брежневнинг Гана Президентига табрикномалари

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев шу йил 20 июнда Гана давлатининг республика деб эълон қилиниши мунособати билан Гана Президенти доктор Кваме Нкрумага табрикнома юборди. Гананинг атоқли арбоби бўлган Сизнинг республиканинг биринчи президенти бўлиб сайланганлигини билди, мамун бўлдим, деб ёздди Н. С. Хрушчев.

Совет ҳукумати бошлигининг мактубида таъкидлаб айтиладики, Гана Республикаси Совет Иттифоқи халқлари томонидан дўстона ҳамжиҳатлик ва мададга тўла ишонини мумкин.

Мактубда ишонч билдириб айтиладики, икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳар иккала мамлакат халқлари манфаатлари йўлида, тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида кенгайди ва мустаҳкамланиб боради.

Айни бир вақтда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Гана Республикасининг Президентига табрик мактуби юборди.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ВИЗИТИ

Н. С. ХРУШЧЕВ Австрия Республикасининг Президенти А. Шерф ҳузурини бўлди

ВЕНА, 30 июнь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун расмий визит билан Австрия Республикасининг Президенти доктор А. Шерф ҳузурини бўлди. Н. С. Хрушчевнинг визити вақтида унга ҳамроҳ бўлган кишилар, шунингдек, СССРнинг Австриядаги Элчиси В. И. Авидов ҳам ҳозир бўлди. Учрашув вақтида Австрия республикасининг Москвадаги Элчиси Г. Хаймерле ҳам бор эди.

Н. С. Хрушчев 1959 йил сентябрь ойида совет ракетами Ойга олиб бориб қўйган вимпелнинг нуҳасини Президент А. Шерфга тақдим этди. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан Президент Шерф ўртасида суҳбат бўлди.

Н. С. ХРУШЧЕВ Федерал канцлер Ю. Рааб ҳузурини бўлди

ВЕНА, 30 июнь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев расмий визит билан Федерал канцлер Ю. Рааб ҳузурини бўлди. Бир-бирларини табриқлашларидан кейин ҳар иккала давлат арбоби ўртасида суҳбат бўлди. Ю. Рааб Н. С. Хрушчевнинг Австрияга келганлигини мамнун эканлигини изҳор қилиб, Н. С. Хрушчев билан

Бальхаусплаца да ана шу майдонга тутаган кўчаларда Австрия ҳамда чет эл матбуоти, радио, кино ва телевиденисининг жуда кўп вакиллари, шунингдек Австрия пойтахтининг неча минглаб аҳолиси тўпланиб, Н. С. Хрушчевни табриқладилар.

Совет ҳукумати бошлиги Н. С. Хрушчев Австрия республикасининг Президенти А. Шерф ҳузурини бўлган кўйган вимпелнинг нуҳасини Президент А. Шерфга тақдим этди.

Н. С. Хрушчев билан Президент Шерф ўртасида суҳбат бўлди.

Н. С. ХРУШЧЕВ вице-канцлер Б. Питтерман ҳузурини бўлди

ВЕНА, 30 июнь. (ТАСС махсус мухбири). Бугун СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Австрия вице-канцлери Б. Питтерман ҳузурини бўлди.

Совет ҳукуматининг бошлиги Австрия вице-канцлерига совга — ернинг учинчи сўнғий йўлдоши комму-

ни тақдим қилди. Б. Питтерман Н. С. Хрушчевга чиройли қилиб исалган штейер болгачасини совга қилди.

Н. С. Хрушчев ва Б. Питтерман ўртасида бўлган суҳбатда Совет ҳукумати бошлигининг ҳамроҳлари — иштирок этдилар.

Қаҳрамонлар майдонида гулчамбарлар қўйилиши

ВЕНА, 30 июнь. (ТАСС махсус мухбири). Ўз ватанининг озодлиги учун курашда ҳалок бўлган Австрия граждоналари хотираси учун Венадаги Қаҳрамонлар майдонида ўрнатилган овоз қилиш учун курашда ҳалок бўлган совет жангчилари ҳайкали бўлиб ўтди. Ёмбир егиб турганига қарамай, Қаҳрамонлар майдонида ва Бальхаусплаца кўпгина веналиклар тўпандилар. Н. С. Хрушчев федерал канцлер Ю. Рааб ва вице-канцлер Б. Питтерман ҳамроҳлигида машинадан сиздар мотам маршининг мунгли сўзлари остида Н. С. Хрушчев хотира тахтаси ёнига катта гулчамбар қўйди. Ленгага олтин ҳарфлар билан қуйидаги сўзлар ёзилган: «Австрия

озодлиги учун курашда ҳалок бўлганларга СССР Министрлар Совети Раисидан».

Совет Иттифоқи давлат гимни ва Австрия республикасининг давлат гимни ижро этилди.

Шу куннинг ўзида Н. С. Хрушчев Австрия гитлерчи босқинчилардан овоз қилиш учун курашда ҳалок бўлган совет жангчилари ҳайкали остига гулчамбар қўйди. Бу ҳайкал Шварценбергплац майдонида ўрнатилган. Гулчамбар ленталарида немис ва рус тилларида қуйидаги сўзлар ёзилган: «Фашанга қарши курашда ҳалок бўлган совет жангчиларига, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев».

Гулчамбар қўйиш пайтида феде-

АВСТРИЯ ФЕДЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТИ А. ШЕРФ ҲУЗУРИДА Н. С. ХРУШЧЕВ ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

ВЕНА, 30 июнь. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Австрия федерал Президенти А. Шерф Австрияда давлат визити билан меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Н. С. Хрушчевнинг рафиқаси Н. П. Хрушчева қизи билан, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, СССР Маданият вақтинчи Е. А. Фурцева, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Чет мамлакатлар билан маданий алоқалар Давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков, Свердловск халқ хўжалиги кенгашининг раиси С. А. Степанов, СССРнинг Австриядаги элчиси В. И. Авидов, мислҳафтичилар ва бошқалар ҳозир бўдилар.

Зиёфатда Австрия томонидан канцлер Ю. Рааб, вице-канцлер Б. Питтерман, Миллий кенгаш раиси Д. Фигль, министрлар ва бошқа расмий шахслар ҳозир бўдилар.

Зиёфат вақтида Австрия Президенти А. Шерф ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев нутқ сўзладилар. Зиёфат самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Н. С. ХРУШЧЕВ ВЕНА ДАВЛАТ ОПЕРА ТЕАТРИГА БОРДИ

ВЕНА, 30 июнь. (ТАСС махсус мухбири). Бугун кечкуди СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Вена давлат опера театрида Моцартнинг «Сирли сурнай» операсини тамоша қилди.

Ҳукумат лоясасида Совет ҳукумати бошлиги билан биргаликда унинг рафиқаси Н. П. Хрушчева қизи билан, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, Маданият вақтинчи Е. А. Фурцева ва бошқалар ҳозир бўдилар.

Австрия томонидан Австрия президенти доктор А. Шерф, федерал канцлер Ю. Рааб, президентнинг қизи ва бошқалар ҳозир бўдилар.

Спектакль бошланишидан олдин Совет Иттифоқи ва Австрия республикасининг давлат гимини ижро этилди.

Н. С. Хрушчев Шварценбергплац майдонида кетаятганда, шаҳарнинг кўп сонли аҳолиси уни қарсақлар билан ҳамда «Тинчлик» ва «Дўстлик» деган хаттоблар билан табриқлади. Шаҳар аҳолиси гулчамбар қўйиш маросимида иштирок этган эди.

Австрия томонидан Австрия президенти доктор А. Шерф, федерал канцлер Ю. Рааб, вице-канцлер Питтерман ва бошқа расмий шахслар ҳозир бўдилар.

СССР ва Австрия давлат гимини ижро этилди.

Н. С. Хрушчев Шварценбергплац майдонида кетаятганда, шаҳарнинг кўп сонли аҳолиси уни қарсақлар билан ҳамда «Тинчлик» ва «Дўстлик» деган хаттоблар билан табриқлади. Шаҳар аҳолиси гулчамбар қўйиш маросимида иштирок этган эди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССРда яшовчи кўп болали оналарга „Қаҳрамон она“ деган фахрий унвон бериш тўғрисида


ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

1. Абдуллаева Оймасорага — Тошкент шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
2. Одилова Хосиятга — Оржоникидзе районидagi Қиновд қишлоқ-хозининг аъзоси.
3. Анимбоева Санталатга — Оржоникидзе районидagi Қиновд қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
4. Оқмирзаева Холпага — Гулистон районидagi Красноармейское қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
5. Алиева Роҳатга — Олмалик шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
6. Алимова Қимёга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
7. Алпаева Маҳкамга — Гулистон районидagi Крестьянское қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
8. Аметчиева Ремзияга — Сирдарё районидagi «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси.
9. Анварова Умаржонга — Оржоникидзе районидagi Дўрмон қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
10. Отабоева Ойшаҳонга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
11. Фуломова Наймага — Оржоникидзе районидagi «Партия XVIII съезди» колхозининг аъзоси.
12. Дабобоева Дикоятга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
13. Жабборовва Қамолга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
14. Жалилова Қаримга — Оржоникидзе районидagi Ленин номидаги колхозининг аъзоси.
15. Жалилова Нопикага — Юқори Чирчиқ районидagi «Гулистон» колхозининг аъзоси.
16. Қаринова Ҳикойга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
17. Қим Татьянага — Юқори Чирчиқ районидagi Янгибозор қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
18. Қўнчорова Ойнисога — Оржоникидзе районидagi Михайловское қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
19. Медведова Александра Петровнага — Мирзачўл шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
20. Мухитдинова Қаримга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
21. Набиева Муборга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
22. Намафова Мария Ефимовна.

23. Норматова Розияга — Юқори Чирчиқ районидagi Оқовул қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
24. Расулова Ошпоққа — Сирдарё районидagi «Гулистон» совхозининг ишчиси.
25. Расулова Маҳбубага — Тошкент шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
26. Самиджўзаева Саломатга — Тошкент шаҳридаги 105-магазиннинг сотувчиси.
27. Сегизбоева Зеришга — Ўрта Чирчиқ районидagi Ўртасарой қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
28. Суурова Фотимага — Мирзачўл шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
29. Тиллабенова Раҳимага — Тошкент шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
30. Тиллабова Қурнонга — Бўстонлик районидagi Соғлиқ қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
31. Турсунова Рихсига — Оржоникидзе районидagi Дўрмон қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
32. Турсунова Хоншошга — Оржоникидзе районидagi Киров номидаги колхозининг аъзоси.
33. Умарова Хайрига — Тошкент шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
34. Холминова Тожиносига — Оржоникидзе районидagi «Партия XXI съезди» колхозининг аъзоси.
35. Хофизова Рашидага — Юқори Чирчиқ районидagi Геддиев қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
36. Хидирова Қимматга — Янгибўл районидagi Ниязобши қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
37. Цой Ген Гимга — Юқори Чирчиқ районидagi Жумабозор қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
38. Шомузафарова Шафотга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
39. Йўлдошева Ойминобига — Сирдарё районидagi Қуйибеш номидаги колхоздан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
40. Йўлдошева Қумрига — Оржоникидзе районидagi Бўбозор қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
41. Йўлдошева Нозибига — Бўка районидagi Хўжақўрғон қишлоқидан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.
42. Юнусова Зулфияга — Тошкент шаҳридан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль 1960 йил 28 июнь.

Фарғоналик мусобақадорлар Тошкентда



Кеча Фарғона область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ўзaro текшириш бригадаси Тошкентга келди. Бригада составида Космос район РТСининг директори И. Маҳамов, Поп районидagi «Правда» колхозни трактор-далачилик бригадасининг бошлиги И. Акбаров, Чуст район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бош агрономи М. Иброҳимов, Поп район ижроия комитетининг раиси Р. Маманазаров, Тўрақўрғон район РТСининг бош инженери Ли Илларион, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи Д. Г. Ефремов, Қува районидagi Карл Маркс номидаги колхозининг комплексе бригадаси бошлиги Д. Қувватов, Фарғона районидagi «Шарқ юлдузи» колхозининг раис ўринбосари Т. Ҳамдамов, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг старший инженери, С. М. Нестеренко ва бошқа ўртоқлар бор. Бригадада область ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Е. Юдин бошчилик қилади.

Вокзалда ўзaro текшириш бригадасини Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ф. Фуломов, область партия комитетининг секретари Э. Т. Шайхов ва областнинг совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари кутиб олдилар.

Шу куннинг ўзидаги фарғоналиклар беш гуруҳга бўлиниб районларга жўнаб кетдилар.

Суратда: Тошкентга келган Фарғоналик мусобақадорлардан бир гуруҳи.

СОВЕТ — ҲИНДИСТОН ДУСТЛИГИ МУСТАҲКАМДИР

Катта Кремль саройида қабул маросими

СССР Олий Совети Президиуми 30 июнда Катта Кремль саройида Ҳиндистон Республикасининг Президенти Ражендра Прасад жаноблари шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Президент билан бирга Ҳиндистон молия министри Мораржи Десаи, темир йўл транспорти министри Жагживан Рам, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. П. Ш. Менон, Президент секретари А. В. Пай, таъқиқ ишлари бўйича секретарь С. Датт, Президентнинг ҳарбий секретари генерал-майор Сардор Харишар Сингх ва бошқа Ҳиндистонлик меҳмонлар ҳозир бўдилар.

Совет томонидан Л. И. Брежнев, А. Б. Аристов, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳоммадов, Д. С. Полянский, Н. М. Шверник ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Н. Н. Органов, Т. Кузатов, Ш. М. Арушанян, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Ф. Засядько, В. И. Новиков ва Д. Ф. Устинов, СССР

Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. П. Лобанов, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси В. И. Устинов, СССР министрлари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, марказий бошқармалар ва муассасаларнинг раҳбарлари, Совет Иттифоқи маршаллари, фан ва маданият арбоблари, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўдилар.

Меҳмонлар орасида СССРдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, элчихоналарнинг ходимлари, совет ва чет эл журналистлари бор эди.

Президент Ражендра Прасад ва Ҳиндистоннинг бошқа вакиллари Георгий Залига кирганларида, Ҳиндистон Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ингради.

Самимий ва яхши вазиятда ўтган қабул маросими вақтида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Ҳиндистон давлати бошлигини ва барча меҳмонларни табриклиди.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли Президент жаноблари! Азиз дўстлар!

Азиз ва ҳурматли меҳмонимиз Ҳиндистон Республикасининг Президенти Прасад жаноб олийларининг Москвадан бўлиб келиши пайти яқинлашиб қолди. Биз, бу сафарнинг шу қадар қисқа бўлганига афсусланамиз.

Совет кишилари Ҳиндистон вакилларига энг самимий ва дўстона туйғуларни билдиришлар, чунки инди халқининг ва Ҳиндистон хукуматининг тинчликсевар интилишлари бизга яқин ва тушунарлидир.

Иқтисодий, илмий-техника ва маданий соҳалардаги бил сайин феъл бораётган амалий ўзаро фойдали Совет—Ҳиндистон ҳамкорлиги билан халқларимиз ўртасидаги буюқ дўстлик мустаҳкамланмоқда. Дўстона муносабатларимиз узатт Лениннинг тинч-тотув яшаш принципларига асосланади.

Биз чуқур ишонимизки, ҳали ҳам норавд бўлган «эравонлик позицияси» сиёсатига ёпишиб турган мамлакатлар ҳам оқибат натижада тинч-тотув яшаш йўли — бирдан-бир оқибат йўл эканлигини тезда олади.

Ҳозирги замон шароитида фақат шў йўлигина чинакам прогрессга олиб боради. Худди шунинг учун ҳам тинч-тотув яшашдан иборат дунёга ҳамма софидил кишиларни жуда қадрлаймиз.

«Эравонлик позицияси» сиёсати, «сурх ёқасига олиб бориб қўйиш» сиёсати кетма-кет барбод бўлмоқда. Лекин Гарбдаги баъзи кишилар бундан тегишли сабоқ чиқариб олмаётлар.

Тинчлик, тинч-тотув яшаш, ёпишга ва батамом қуролланиш — халқлар ўз қўларига маҳкам кўтариб олган байроқлар эканлигини Гарбдаги ҳукмрон доиралар алдақоч тунувиб олишлари керак эди.

Совет Иттифоқи халқлари нинг тинчлик интилишига доимо чуқур хайрхолик билан қараб келиди. Биз барча халқлар билан тинчликда ва дўстликда яшашни истаймиз, бизнинг асл мақсадимиз — инсониятни урушлардан ҳалос қилиш ва урушларнинг жамият ҳаётидан абадий йўқолишидан иборат эканлигини Совет хукумати қайта-қайта айтиб ва қоникет ишлари билан исбот қилмоқда.

Бугун ҳурматли меҳмонимиз — Ҳиндистон Республикасининг Президенти Ражендра Прасад жаноблари қабул қилиш маросимида биз 400 миллионлик халқ халқи ва унинг хукуматининг замонамизнинг улуғ ҳаракати — бутун дунёда тинчлик учун курашга қўшган катта ҳиссасини мамнуният билан қайта қиламиз.

Тинчликни, сўдаш учун курашда бизнинг улуғ дўстона халқларимиз доимо ҳамжиҳатлик топганликлари нис қис қилиш биз учун жуда ёқимлидир.

Дўстлигимиз ва ҳамкорлигимизнинг бундан буён ҳам мустаҳкамланиши ва ривожланишини биз астойдил истаймиз.

Мен қадақларини Ҳиндистон Республикасининг Президенти Ражендра Прасад жаноб олийлари учун, Ҳиндистоннинг равиқи учун, совет ва халқ халқларининг бирдорларча дўстлиги учун кўтаришни сўрайман!

Ҳинди-руси бхай, бхай!

Ҳиндистон Президенти Ражендра Прасад нутқ сўзлади.

Р. ПРАСАД нутқи

Жаноб олийлари! Олий Совет Президиумининг Раиси жаноблари!

Жаноб олийлари ва азиз дўстлар! Менинг ҳақимда ва менинг мамлакатим ҳақида яхши гапларни айтганлигини учун Брежнев жаноб олийларидан айланиб миннатдорман. Мен бу гапларни жуда қадрлайман. Чунки бу гапларни мамлакатимнинг самимий дўстлари айтиди. Мен Совет Иттифоқида 10 кун бўлдим ва эртага Москвадан жўнаб кетаман. Мен шу нарсадан айланиб бахтиёрманки, уйга қайтаётган йўлда Совет Иттифоқининг Овёдаги иккинчи республикасини кўриш имкониятига эга бўлсам.

Ана шу 10 кун менинг ҳаётимда сира ёдан чикмайидган таассурот бўлиб қолди. Мен Совет тупроғига оёқ қўйган пайтдан бошлаб, совет халқи ва хукуматининг дўстлиги ва меҳмондўстлигидан ҳайратда қолдим. Мен ана шу 10 кун мобайнида бўлган жойлардаги кишиларнинг, ёшлар ва кексаларнинг, аркалар ва аёлларнинг гайрат-ташабууси мамлакатим халқининг гайрат-ташабуусини эслатди.

Жаноб олийлари! Мен сизнинг мамлакатингизга мусофир сифатида келган эдим, лекин сизлар ва сизнинг халқингиз мени ҳамма жойда азиз дўст сифатида табриклиди ва эҳтишом билан қайтиб кетишим керак бўлган пайтда мен ўзимни маънос ҳис қилмоқдаман, чунки дўст билан ақралини кишини доимо маънослантиради. Мен, юқорида айтганимдек, кейинги 10 кундаги менинг таассуротларим жуда бойдир. Мен эски черковларни, музейларни ва сурат галереяларини бориб кўрдим. Мен, шунингдек, болхозда, Ленинград ва Киевдаги сааноат ва қишлоқ

хўжалик виставкаларига бўлдим. Сизлар ҳамма соҳаларда қўлга киритган гоят катта прогрессдан хайратда қолдим, шу қадар қисқа муддатда сизлар эришган муваффақиятлардан ҳайратда қолдим. Бу — кам тараққиётган мамлакатларда яшашга ҳаммамиз учун сабоқдир. Сизларнинг колхозларингиз ва гоят катта сааноат корхоналарингиз Совет Иттифоқи кейинги йилларда эришган муваффақиятларининг бир томонигинадир. Кутубхоналарда, музейларда, сурат галереяларида ва бошқа маданият марказларида ўтмишининг меросини шу қадар меҳр билан сақлаётганлигингиз ўз мамлакатингизнинг ўтмиш тарихи билан фахрлигинингизнинг ёркин ифодисидир. Мен юқорида айтганимдек, Ленинграддаги совет ҳаёти ва маданияти ўтмиш билан ҳозирги замоннинг, маданият билан фаннинг жуда ажойиб тарзда муҷассамлашганидир.

Жаноб олийлари! Сизнинг мамлакатингиз ва менинг мамлакатим кейинги йилларда жуда иноқ бўлиб кетди. Бизнинг министрларимиздан кўплари ва бошқа раҳбарлар Совет Иттифоқида келиб кетишди. Бизнинг ёш мутахассисларимиз сизларнинг сааноат корхоналарингизда практикант ўтмоқдалар. Ҳатто бугун ҳам Москвада хукуматимнинг энг кеска аъзоларидан бири Мораржи Десаи жаноблари турибди. Бундан бир неча кун илгари бизнинг нефть ва ёқилди министримиз бу ерда бўлиб, бизнинг хукумат аъзоларингиз билан бизнинг нефть сааноатимизни янада ривожлантириш планларини муҳокама қилди. Кейинги беш йил ичида биз Совет хукуматидан катта ёрдам олдик. Бу еса, бизга бир қанча сааноат ва қишлоқ хўжалик лойиҳала-

МОСКВА УНИВЕРСИТЕТИ СТУДЕНТЛАРИ ҲУЗУРИДА

Ҳиндистон Президенти Ражендра Прасад ҳамроҳлари билан 30 июнда Ленинскиге Гориздаги Москва университетида бўлиди.

Хурматли меҳмонни СССР Олий ва махсус ўрта таълим министри В. П. Елютин, Москва Давлат университетининг ректори академик И. Г. Петровский, профессорлар ва студентлар кутиб олдилар.

Р. Прасад университет билан танишиб бўлган, мажлислар залига келди. Бу ерда неча юзлаб студентлар тўпланган эди. Академик И. Г. Петровский Ҳиндистон давлатининг бошлангич мурожаат қилиб, бундай деди:

— Биз улуғ халқ халқининг вакили бўлган Сизни табриклардан жуда хурсандим. Халқ халқи билан совет халқи ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқалари ўрнатилган.

Москва Давлат университетининг ректори айтдики, Р. Прасаднинг мустақил Ҳиндистон давлатини барпо қилишига жуда катта роли, Ҳиндистондаги миллий овоздак ҳаракат тарихи соҳасидаги унинг яхши таълиқлари совет олимларининг ҳурматиға сазовор бўлди. Р. Прасаднинг тарих фанлари соҳасидаги хизматларини ҳисобга олиб, Москва Давлат университетининг кенгаши Р. Прасадни Москва университети тарих фанлари фахрий доктори қилиб сайлашга ақлида қилиб қарор қилди.

Академик Петровский тўбланганларнинг қараслари остида Р. Прасад илмий даража берилганлиги ҳақидаги дипломни топширди. Президентга халқ ва умумий тинчлик йўлида сўхат-саломатлик ва давлат фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Профессор А. М. Дяков (у ҳинди тилида гапирди) ва студент Галина Краснолуцкая Р. Прасадни илмий даража беришни муносабати билан қизғин табриклидилар.

Москва Давлат университетининг тарих фанлари фахрий доктори Ҳиндистон Президенти Ражендра Прасад мажлислар залининг минбаридан нутқ сўзлади. Унинг нутқи бир неча марта гулдор қарсақлар билан бўлиниб турди. У, Москва универ-

ситетининг номи ва шўҳрати кенг маълум эканлигини айтди. Университет маданият ва фанни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди. Шу сабабли, деди Р. Прасад, бу ерда бўлиш ва ишларингиз ҳақида билиш имкониятига, шунингдек сизларнинг ҳаммаларингиз билан шахсан танишиб имкониятига эга бўлганимдан айниқса хурсандман.

Р. Прасад унга тарих фанлари доктори деган фахрий даража берилганлиги учун ташаккур билдириб, бундай деди:

— Мен ҳурмат ва миннатдорчилик билан қабул қилаётган ана шу юксак шараф учун сизлардан жуда миннатдорман. Мен буни шахсан ўзим учунгина шараф деб билимакдан, шу билан бирга совет халқининг менинг мамлакатим халқларига хайрхоҳлигининг ифодаси деб билиман.

Р. Прасад айтдики, у советлар мамлакати бўйлаб қилаётган сафарига халқ ҳамма жойда Ҳиндистонга, унинг вакиллариға самимий ва дўстона туйғуларни билдириди. Ленинградда у СССР Фанлар академияси шарҳшунослик институтида ишлаётган бир қанча олимлар билан учраш имкониятига эга бўлган, Ҳиндистоннинг қадимий ва замонавий адабиётини ўрганиш ва текшириш қандай олиб борилаётганлигини кўрган.

Менинг мамлакатимда, деди Президент, — билим олиш доимо инсоннинг энг юксак ва энг ахши мақсади ҳисобланиб келган ва ҳозир ҳам шундай ҳисобланади. Бизнинг китобларимизда билим олганига турткининг энг буюқ идеали деб баҳо қилинади. Менинг фикримча, ҳар қандай университетнинг фойдаси билим олиш ва тарқатишдан иборатдир.

Ҳиндистон Президенти сўнгра замоний фаннинг муваффақиятлари ҳақида гапирди. Инсон кейинги вақтларда олган ташланган энг катта қилам, — деди у, — космо ҳақида билим олиш бўлди. Шу тарада ер

билан планеталар ўртасида ва бошқа осмоний жисмлар ўртасидаги алоқа кенгайтирилади ва вақти келиб, улар ўртасидаги физик алоқа ва инсоннинг ҳаракати ердаги бир жойдан иккинчи жойга боришдек осон ва оддий иш бўлиб қолади. Мен фурсатдан фойдаланиб, совет олимлари бу соҳада қўшган улуғ ҳиссаларига қойил қўлгаллигини ҳамда техника маҳоратини шарафлашни истар эдим, ана шу маҳорат туйғайли совет инженерлари олимларнинг голларини амалга оширдилар.

Ҳиндистон давлатининг бошлари ўз нутқининг охирида айтдики, университетлар тинчликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўша оладилар. Бу билан, деб таъкидлади Р. Прасад, — улар улуғ мамлакатингизнинг раҳбарлари қуролланиш ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ва сарфлаган ажойиб куч-гайратларига ёрдам бера оладилар.

Прасад астойдил ишонч билдириб айтдики, Ҳиндистон ва СССР ўртасидаги дўстона муносабатлар долмо мустаҳкамлана боради, токи ҳар иккала мамлакат бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида яшашни давом эттираверсинлар. Рус-хинди, бхай, бхай! — деган шорни амалда исботлайлик — деди президент.

Тантанали маросим вақтида Р. Прасадга Москва Давлат университетининг тарихига бағишланган икки томлик асар ва университетнинг 200 йиллигига бағишланган чинамлар билан юбилей медали топширилди.

Ҳиндистон темир йўл транспорти министри Жагживан Рамга ҳам юбилей медали топширилди.

Уша кун Р. Прасад ва унинг ҳамроҳлари шаҳар бўйлаб сайр қилдилар, совет пойтахтига янги кўриштирилган танкилар, метророудининг ер ости станцияларида бўлидилар.

Ҳурматли меҳмонга СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Ш. М. Арушанян, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов ҳамроҳ бўлиб юрдилар. (ТАСС).

Ҳиндистон Президенти Ражендра Прасад Москвадан жўнаб кетди

Москвада бўлиб, Ленинград, Киев ва Сочига сафар қилгандан кейин Ҳиндистон Республикасининг Президенти Ражендра Прасад ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар 1 июлда совет пойтахтидан Сталинободга жўнаб кетди. Ҳа ватанига бора ётиб, у бир неча кун Тожикистон ва Ўзбекистонда бўлади.

Ҳиндистон ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Ҳиндистон давлати бошлигини А. Б. Аристов, Д. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Н. Н. Органов, Т. Кузатов ва бошқа расмий кишилар, шунингдек Москва меҳнатқилларининг вакиллари улашиб қолдилар.

Улашиб қолувчилар орасида чет эл дипломатлари, совет ва чет эл матбуотининг мухбирлари бор эди.

Хурматли меҳмоннинг жўнаб кетиши муносабати билан ушай майдонда фахрий қорув саф тўртиб турди. Ҳиндистон ва СССР давлат гимнлари ижро этилди.

Л. И. Брежнев билан Ражендра Прасад нутқлар сўзладилар. (ТАСС).

Ҳиндистон Президенти Сталинободга келди

СТАЛИНОБОД. 1 июль. (ТАСС). Ҳиндистон Республикасининг президенти Ражендра Прасад ва Совет Иттифоқи бўйлаб қилаётган сафарига хурматли меҳмонга ҳамроҳ бўлган кишилар бутун Тожикистон пойтахтига келидилар.

Сталинобод аэродромида Президентини Тожикистон СССР Олий Советининг раиси А. Хасанов ва бошқа расмий кишилар самимий кутиб олдилар.

Ҳиндистон Президенти Р. Прасад Москва телевидениси орқали нутқ сўзлади

30 июль кечқурун Ҳиндистон Президенти Ражендра Прасад Москва телевидениси орқали нутқ сўзлади. У, совет кишиларига мурожаат қилиб айтдики, ўн кундан бери СССРда юрибман ва совет халқининг дўстона муносабати ва иштифотида жуда хурсандман.

Ражендра Прасад совет кишиларига халқ халқини энг ахши исталган топширди ва ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик бундан буён янада мустаҳкамланади деб умид билдириди. (ТАСС).

Ҳиндистон молия министрининг Москвада бўлиши

Совет хукуматининг тақлифи буюни, СССРда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон молия министри Мораржи Десаи 30 июнда СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитетининг раиси С. А. Скачков ҳузурига бўлиб у билан дўстона сўхатлашди.

Ҳиндистоннинг министр кундузи СССР молия министрининг биринчи ўринбосари А. А. Посконов ва СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов билан бирга Москвадаги уй-жой қурилиши авж олдирилган

гарби-жанубий ва бошқа районларини бориб кўрди. Мораржи Десаи пойтахт билан танишган вақтда уга Москва беш архитектори И. И. Лоевко изоҳ бериб турди.

Дўст Ҳиндистондан келган меҳмонлар 1 ва 2 июлда Ленинградда бўлидилар. (ТАСС).

Жуанда Картавижайаниннг Москвада бўлиши

Индонезия Республикаси хукуматининг Биринчи министри Жуанда Картавижайа 30 июнда Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян ҳузурига бўлиб ҳамда улар билан дўстона сўхатлашди.

Уша кун Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи хукумати Катта Кремль саройида Р. Х. Жуанда Картавижайа шарафига эътифат берди.

Эътифатда Совет томонидан Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Д. С. Полянский ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Ф. Засядько, В. Н. Новиков ва бошқалар ҳозир бўлидилар.

Самимий ва қизғин вазиятда ўтган эътифат вақтида А. И. Микоян ва Р. Х. Жуанда дўстона нутқ сўзладилар.

Индонезия Республикаси хукуматининг Биринчи министри Р. Х. Жуанда Картавижайа 30 июнда В. И. Ленин ва И. В. Сталин Маъзолиёида бўлиб ва гулчамбар қўйди. (ТАСС).

Индонезия Республикаси хукуматининг Биринчи министри Р. Х. Жуанда Картавижайа 30 июнда В. И. Ленин ва И. В. Сталин Маъзолиёида бўлиб ва гулчамбар қўйди. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Советининг халқ маорифи ва маданий-оқартув ишлари доимий комиссиясида

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Халқ маорифи ва маданий-оқартув ишлари Доимий комиссияси ясининг мажлиси бўлди. Мажлис депутат Т. Рўзиев раислигида ўтди.

Комиссия Тошкент области чорвадорларига маданий-маншй хизмат кўрсатиш тўғрисидаги масалани қараб чиқди. Бу ҳақда область ижроия комитетининг раиси Х. Жалилов доклад қилди.

Муҳокама давомида чорвадорларга маданий-маншй хизмат кўрсатишдаги камчиликларни тез вақт ичида барқарор қилишга қаратилган та-

сизлар ишлаб чиқилди. Шу муносабат билан республика Маданият министрлигига ва Тошкент область ижроия комитетига конкрет топшириқлар берилди.

Мажлиса Андижон области халқ маорифи бўлими мудир Ф. Намовнинг область мактабларида машғулотларини бир сменага кўчириш тўғрисидаги доклады ҳам муҳокама қилинди.

Комиссия йилининг иккинчи ярмига ўзининг иш планини тасдиқлади. (ЎзТАГ).

20 корхона оталикка олган

Ўзбекистон пойтахтининг Фрунзе район алоқа бўлимига Тошкент тўқимачилик институтининг бир гурупа студент ва ўқитувчилари келди. Уларни алоқа ходимлари худди эски танишлардек кутиб олдилар.


Кейинги икки йилдан буён бу институтнинг вакиллари деярлик ҳар кун посилка бўлимига келар эдилар. Чунки бу ерда институт номига катта яшнқлар келиб туради. Жўнатил пунктлари ҳар хил: Ленинград, Барнаул, Серпухов, Калининград, Наманган, Владимир. Аммо яшнқларнинг ҳаммаси «иҳтиёт бўлинг, асбоблар!» деган сўзлар ёзилган. Бу яшнқларда ҳар хил ашаратлар, ёниқ қозонлар, дивангеллар, ўлчов асбоблари — худлас институтнинг кимё факультетида барпо қилинётган табиий полимерлар лабораторияларига керак бўлган ускуналар жойлаштирилган.

Бунёд этилаётган бу фан марказининг гоят катта аҳамиятини ҳисобга олиб, мамлакатимизнинг 11 та кимё ва тўқимачилик корхоналари институтнинг студент ва ўқитувчилари чакригини бир оғиздан маъқуллаб, лабораторияни ташкил этиш ишига яқиндан ёрдам бердилар. Мана эндиликда эса лаборатория коллективни ускуналар келган адресларга дастлабки посилкаларни юборди. Лабораторияни оталикка олган Владимир кимё заводиға суъий тола олишда қимматбахо хомашё — чигитдан маънос усул билан ажратилган моимқ синаб кўриш учун юборилди.

Ҳозирги вақтда институтда сааноат корхоналари ёрдами билан ускуналанган 28 та лаборатория ишлаб турибди. Тошкент тўқимачилик комбинати, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи ва вахта тозалаш корхоналари олий ўқув юртига ўйлаб тараф, йигиртиш ва шу каби машиналар бердилар. Маргилон илак комбинати илак йигиртиш лабораториясини зарур техника билан ускуналади.

Мамлакатимизнинг йигирмата корхонаси бу институтни ўз оталигига олган. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб, СУРАТДА: Охангарон шаҳридаги чибирни ер остида газга айлантириш станциясини, Қ. РОЗИҚОВ ФОТОСИ. (ЎзТАГ фотохроникаси).



КОЛХОЗДА МАДАНИЯТ УНИВЕРСИТЕТИ



Суратда: тарих фанлари доктори Яхё Гуломов машғулотдан сўнг колхозчилар билан суҳбатлашмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

УЗОҚ УТМИШГА ЭКСКУРСИЯ

Колхоз маданият университетининг биринчи машғулоти бўлди. Машғулот темаси — «Эрта Осиё халқларининг қадимги маданияти».

РЕКТОР ВИЛАН СУҲБАТ

Машғулот тамом бўлгач, маданият университетининг ректори тарих фанлари кандидати ўртоқ А. Ҳамидхўнаев билан суҳбатда бўлди.

сига ҳам жуда маъқул бўлди. Колхоз билан алоқани кучайтириб, кишлоқ хўжалик артели аъзоларига анжуманлар тарқатдик, университет машғулотлари программаси билан таништирдик.

Исқақ вақо, ичмда «Қизил Эбекистон» колхоз ва шу атрофда яшовчи араб, ўқитувчи ва бошқа касб эгаларидан жуда кўп киши университетга қатнашини сўраб ариза бера бошлади.

Оржоникидзе районидagi «Қизил Эбекистон» колхозда ташкил қилинган маданият университети кишлоқ аҳолисининг маданий савиясини ошириш ва билим доирасини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди.

С. МУСАЕВ.

АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларига Совет ҳукуматининг нотаси

СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин 30 июнда АҚШнинг Москвадаги элчиси Л. Е. Томпсонга ГАРБий Берлиндан Германия Федератив Республикасининг ҳарбий тайёргарликлари мақсада фойдаланилаётганлиги муносабати билан АҚШ ҳукуматига Совет ҳукуматининг нотасини топширди.

АҚШ ҳукуматига юборилган нотада айтилишича, ҳозир Германия Федератив Республикасининг маъмурлари ГАРБий Берлин территориясида ана шу шаҳар аҳолисини ГАРБий Германия армиясига активлик билан жалб қилмоқдалар.

Ҳозир Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг ГАРБий Берлинни ўз мидитарктик тадбирлари доирасига жалб қилишга интилизидан мақсад — Берлиндаги ва Германиядаги вазиятни янада кескинлаштириш ҳамда ишчи хавфли инзоларгача олиб боришдан иборатдир.

Юқорида баён қилинганлар муносабати билан, дейилади нотада, Совет ҳукумати шунга кутадик, АҚШ ҳукумати ўзи айтганидек, ҳозир ГАРБий Берлиндаги аҳоли учун Буюк Британия ва Франция билан биргаликда жавобгар бўлганлиги учун Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг ГАРБий Берлиндан ўз ҳарбий тайёргарликлари учун фойдаланишга уришларига чек қўяди ва Германия Федератив Республикаси ҳукумати томонидан бундай қонуниёз ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги учун чоралар кўради.

(ТАСС).

Чет элларда

Совет ҳукумат делегациясининг Сомалида бўлиши

МОГАДИШО, 30 июнь. (ТАСС махсус мухбири). Сомали республикасининг мустақил деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда иштирок этиш учун Могадишода келган СССР миссияси Н. А. Дигаёв бошчилигидаги Совет ҳукумат делегациясини бугун Сомали бош вазири Абдуллаҳ Исса қабул қилди.

Жуда самимий ва дўстона характерда ўтган суҳбат вақтида Н. А. Дигаёв совет халқи ва шахсан Н. С. Хрушчев ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев номидан Сомали халқига самимий табриклар ҳамда мамлакат прогресси ва равнақи учун энг яхши тилакларини топширди.

СОМАЛИ РЕСПУБЛИКАСИНING ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ

МОГАДИШО, 1 июль. (ТАСС). Бугун ярим кечада бу ерда Сомали республикаси эълон қилиш маросими бўлди.

72 мамлакат делегацияси, шу жумладан, СССР министри Н. А. Дигаёв бошлиқ СССР ҳукумат делегацияси ҳам ҳозир бўлди.

БИРМА БОШ МИНИСТРИ У. НУНИНГ БАЕНОТИ

ПЕКИН, 30 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Рангундан хабар беради: Бирма бош министри У. Ну Рангунда ўтказилган матбуот конференциясида нуфъ сўзлаб айтгани, Бирма қуроли кучлари Чанкайши армияси Хитойга тор-мор келтирилгандан кейин Бирмага қочган чанкайшичи қўшнларнинг қолдиқларини тугатмоқда.

У. Ну шунга таъкидлаб ўтгани, ҳозирги вақтда чанкайшичи қўшнларнинг Бирмадаги қолдиқлари талоччилик ва ширин тарада афён сотиш иши билан шуғулланиши давом эттирмақдалар.

Конго мустақил деб эълон қилинди

ЛЕОПОЛЬДВИЛЬ, 30 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда экватор Африкасидаги янги катта давлат бўлган Конго республикаси таънанали вазиятда мустақил деб эълон қилинди.

ташқи ишлар министрлари Конгога мустақиллик бериш ҳақидаги ақтнинг имзоланганларидан кейин кеча тантаналарда иштирок этиш учун Леопольдвилга келган Бельгия короли Боуан ва Конго республикасининг президенти Жозеф Кадузубу парламентда кўп кишилик аудитория олдига нуфъ сўзладилар.

АҚШNING ЯНГИ ЯЎЛДОШНИ УЧИРИШ СОҲАСИДАГИ МУВАФФАҚИЯТСИЗ УРИНИШИ

НЬЮ-ЙОРК, 30 июль. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интерейшл агентлигининг мухбири Ванденбергдан ракета-синаш базасидан хабар беради: кеча маҳаллий вақт билан соат 15 дан 01 минут ўтганда (Москва вақти билан 30 июль соат 1 дан 01 минут ўтганда) Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий ҳаво кучлари «Дискаверер XII» тишидаги Еринг сунъий бўлишини кўтб орбитага учуришга уриниб кўрган.

Бу — орбитага чиқмаган «Дискаверер» сериясидаги бешинчи йўлдошлар.

Муҳбир ҳарбий ҳаво кучларининг баёнотида асосланиб хабар берадики, ана шу сериядаги бошқа ракета-синаш муносабати сабабларини аниқлайдиган махсус аппарат ўрнатилган «Дискаверер XII» йўлдоши етарли тезлик ололмаган ва орбитага чиқмаган.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

ОЗАРБАЙЖОН КИТОБЛАРИ ҲАФТАЛИГИ БУ КИТОБЛАРНИ ўқинг

Шу кунларда Эбекистон пойтахтида «Озарбайжон китоблари ҳафталиги» ўтказилмоқда. Ҳафталик давоминда ўзбек китобхоналари Озарбайжонда нашр этилган хилма-хил китобларни сотиб олишлари мумкин.

Озарбайжон ССР Фанлар Академияси президенти Ю. Мамедалиевнинг «Озарбайжонда фан таракқиети» деган китоби ҳам диққатга сазовордир.

Яқинда Совет Озарбайжонни меҳнаткашлари ўз республикалари ва Озарбайжон Коммунистик партиясининг 40 йиллигини тантанали равишда нишонладилар.

Ҳафталикка Озарбайжон совет адабиётининг проза ва поэзия намуналаридан ҳам жуда кўп китоблар келтирилган. Китобхоналар ёзувчилардан Э. Аббосов, В. Байрамов, И. Гусейнов, Мирза Иброҳимов, Э. Мамедхонли, Мехти Гусейв, М. Сулаймонов ва бошқаларнинг лиғи нашр этилган роман, повесть ва ҳикоятлар гулмалари шунинг олдидан кўришни мумкин.

Н. ХУДОЯРОВ, И. КАМЕНКОВИЧ.



„Муштум“нинг янги сони

Ҳажвий журнал «Муштум»нинг 12-сони босиб чиқди. Журналининг муҳовисада СССР Олий Совети У. сессиясининг ишчи-хизматчилардан олинганлиги солиқларини бекор қилиш ҳақидаги қонунига бағишланган планга нуфъ ташлашди.

Ез ойлари Тошкентнинг ҳусин-чиройи жуда очилди кетади. Шаҳарнинг яшил либоси, ранг-баранг аниойи гуллари шу эришнинг ҳам, узоқдан келган азиз меҳмонни ҳам мафтун этади.

М. Нуриддинов фотоси.

ГАЗЕТХОНЛАРNING САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ АФРИКАДА ЯНГИ ДАВЛАТ

Саҳро районларидан иборат, фақат айрим областларидангина ереёнғқ этиштириш мумкин. Шу сабабли унинг экономикасида чорвачилик катта ўрин тутади.

Франциянинг бу соҳиб мустамалакчаларида махсулотни қайта ишловчи саноат йўли кишлоқ хўжалиги хомашибини дастлаб кишлоқчи, пойнафаал, меъбел ва бошқа махсулотлар тайёрловчи бир неча кишлоқкорхона бундан мустақилдир.

Сенегал ГАРБий Африканинг Атлантик океан қирғоғида жойлашган. Унинг пойтахти Даккар шаҳри муҳим стратегия ва савдо порти бўлиб, юк тасвоборотиининг ҳаётии жиҳатидан Франция ҳамкорлиги портлари ўртасида бешинчи ўрини эгаллаяди.

Франция Сенегал ва Суданини ўтган асрининг охирида босиб олди. Бу мамлакатларнинг халқлари 75 йил мобайнида ўзарини олод қилиш учун тўхтовсиз кураш олиб бордилар.

Газетхонлардан Т. Йўлдошев (Эрта Чирчқ райони), М. Саидхонова (Тошкент) ўртоқлар редакцияга хат ёзиб, Африкада янги давлат — Мали Федерацияси ҳақида маълумот беришни сўраганлар. Биз тубанда шу ўртоқларга жавоб қайтардик.

Мустамалакчиларнинг мулжалига қарши ўларок Сенегал ва Судан бу аҳоли билан келиш олмадилар. 1959 йилнинг январиди улар «Мали федерацияси» тузишнинг назарда тутаётганлиқларини айтдилар.

Ҳамкорлининг рад этиб, мустақил эълон қилган Гвинея халқини истисно қилганда, Сенегал ва Судан ҳам француз ГАРБий Африкасидаги беш мамлакат каби ҳозирги вақтда Франция билан биргаликда юзаки равишда ҳамкорлиқни аъзолари ҳисобланадилар.

сёбат қаб» муҳим масалалар француз ҳамкорлиги органлари томонидан ҳал қилинмоқда.

Сенегал ва Судан парламентлари янвалиларининг Даккарда бўлиб ўтган сессияда федерациянинг конституцияни тасдиқлади, шунингдек биринчи федерал ҳукумат сайладилар.

Федерацияда овозлик учун кураш янада давом эттириш мақсада прогрессив кучларнинг қисқаслашуви давом этмоқда.

ТОШКЕНТNING танилиш замирида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/VI да Риголетто, 3/VI да Марварид қидирувчилар. АНДИЖОН МУЗДРАМА ТЕАТРИ (Ҳамза номли театрининг ёнги биносида) — 2/VI да Фаргона ҳикояси, 3/VI да Қайнона.

Қишлоқ фантазия (янги кенг экранли рангли фильм) — «ВАТАН», «МИР» (кундуз ва кечкурун), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9-15 минут, 10-20 минут ва 11-25 минутда).

Узғим уйланади — «ЭЗБЕКНИСТОН» (кундуз ва кечкурун), «ВАТАН» (кундуз, кундуз соат 2, 4 ва кеч 6 да), «ВАТАН» (ёзи, кеч 9-10 минут ва 10-50 минутда).

12 очко ҳақида эртак — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталак соат 10, кундуз 12, 4 ва кеч 10 да).

В. Г. Белинский номли Тошкент кечки педагогика институти

1960/61 ўқув йилида СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ Физика-математика факультетида (дарслар ўзбек ва рус тилида олиб борилади). Табиёт-география факультетининг табиёт ва география бўлимларида (дарслар ўзбек тилида олиб борилади).

Узбекистон КП Тошкент область комитети ва область икжориа комитети Сирдарё районининг секретари Иброҳим Каримов ва Оржоникидзе район икжориа комитетининг раиси Исҳоқ Каримовга уларнинг омаси Марям, КАРИМОВнинг вафот этганини муносабати билан таъзия билдирадилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциянинг «Қизил Эбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистон сурх» бйрашган нашрийтининг босмаҳонаси.

Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БУЛИМЛАРИNING ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136 Совет куриялими бўлими — 136. Адабийет ва санъат бўлими — 29040, 135. Кишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115 Эълонлар бўлими — 28142.

Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БУЛИМЛАРИNING ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136 Совет куриялими бўлими — 136. Адабийет ва санъат бўлими — 29040, 135. Кишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115 Эълонлар бўлими — 28142.